

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САЊАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

“Тасдиқлайман”

Тармоқ маркази директори

_____ О. А. Хасанов

2015 йил «__» _____

“Саҳна ҳаракати ва пластика” МОДУЛИ БЎЙИЧА

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тузувчилар: Катта ўқитувчи Ш.Усмонов,
Ўқитувчи Р.Дўсанов.

МУНДАРИЖА

1.ИШЧИ ДАСТУР.....	
2.МАЪРУЗА МАТНИ.....	
1-МАВЗУ. Саҳна ҳаракати ва ундаги замонавий йўналиш ва услублар	
2-МАВЗУ. Талабаларга индивидуал тарзда пластик ҳаракатларни сингдириш маҳорати.....	
3. ТАҚДИМОТ	
4. ТЕСТ САВОЛЛАРИ	
7.МУТАХАССИС ТОМОНИДАН БЕРИЛГАН ТАҚРИЗ	
8.ЭКСПЕРТ ХУЛОСАСИ	

Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик

I. Ишчи дастур

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Саҳна ҳаракати ва пластика” модулининг мақсади:

Тингловчиларга саҳна ҳаракати ва пластика масалалари бўйича илгари сурилган илмий-назарий концепциялар тўғрисида қиёсий, таҳлилий маълумотлар бериш, замонавий педтехнологиялардан фойдаланиб тингловчиларни малакасини оширишга кўмаклашиш;

- Саҳна ҳаракати ва пластиканинг янгича назарий концепцияларининг мазмун-моҳиятини ёритиш, ўзбек жанг санъатини таълим-тарбия жараёнида қўллашнинг афзалликлари, саҳнавий ҳатти ҳаракат тўғрисидаги асосларнинг ишлаб чиқилганлигини ёритиш ва тингловчиларда уларни аниқ илмий назарий таҳлил қилиш, холис баҳолаш ва мустақил ҳаётий позициясини вужудга келтиришга эришиш;

“Саҳна ҳаракати ва пластика” модулининг вазифалари: Ўзбек театр санъатининг ривожланиш босқичлари, унинг асосий йўналишлари ҳамда санъат ва маданият соҳасини модернизациялаш билан боғлиқ ўзгаришлар ва янгиланишларни илмий назарий таҳлил этиш, ўзига хос хусусиятлари, мақсад-вазифаларини тингловчиларга етказиш;

- Аждодларимиз ва уларнинг ўзига хос жанг услублари, тарихий қуролларимиз ва уларининг турлари ва унинг таълим-тарбия билан боғлиқ бўлган назарий масалаларни, бу жараёнда таълим-тарбия ролининг ошиб бориши, юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш борасидаги ислохотлар, эришилган ютуқларни олий таълим тизими билан боғлиқ ҳолда таҳлил этиш, таълим-тарбиянинг узлуксизлигини таъминлашнинг шарт-шароити ва омилларини “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”га таянган ҳолда ўрганишдан иборат

Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар

Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқитувчилари малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари ва тайёргарлик йўналишлари бўйича намунавий дастурлар асос қилиб олинган.

- Тингловчи Саҳна ҳаракати, саҳна қиличбозлиги ва пластика ҳақида тасаввурга эга бўлиши керак;

- Саҳнавий асарнинг ҳатти- ҳаракат таҳлиллари ҳақида тасаввурга эга бўлиши керак;

- А.Кацман, Г.Товстоногов ҳатти-ҳаракат таҳлили услубиятини билиши керак;

- Билимларни амалий ўзлаштира олиши керак.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги: Фан мазмуни ўқув режадаги биринчи блок ва мутаххасислик фанларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади. Модул Режиссёрлик ва актёрлик санъати асослари, Саҳна нутқи фанини ўқитишдаги инновациялар, Режиссёрлик ва актёрлик санъати фанларини ўқитишда илғор тажрибалардан фойдаланиш, Драма назарияси фанлари билан ўзаро боғлиқ.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Ўзбек театр санъатининг ривожланиш босқичлари, унинг асосий йўналишлари ҳамда санъат ва маданият соҳасини модернизациялаш билан боғлиқ ўзгаришлар ва янгиланишлари илмий назарий таҳлил этилган. Бу санъат турининг жамият ривожидagi ўрнива таълим-тарбия масалалари бўйича муҳим янги назарий концептуал ғоялари илгари сурилган.

“Саҳна ҳаракати ва пластика” модулида режиссёрлик ва актёрлик курсларга дарс берувчи профессор-ўқитувчиларни малакасини ошириш ва талабаларни тарбиялашда ҳатти-ҳаракат ва сўз уйғунлигини, саҳнавий эркинликлар акс эттирилган. Таълим тизимида юксак малакали, ижодкорлик ва ташаббускорлик қобилиятига эга, касбий ва ҳаётий муаммоларни мустақил ҳал қила оладиган, янги техника ва технологияларга тез мосланишига лаёқатли кадрлар муҳим аҳамиятга эга.

“Саҳна ҳаракати ва пластика” модули дастури Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Режиссёрлик ва актёрлик санъати фанлари бўйича дарс берувчи профессор - ўқитувчиларининг малакасини оширишига қаратилган.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юклараси, соат			
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юклараси		Мустақил таълим
			жа	ми	

				Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот	
1.	Саҳна ҳаракати ва ундаги замонавий йўналиш ва услублар	2	2	2			
2.	Замонавий пластика амалиёти билан танишиш.						
3.	Талабаларга индивидуал тарзда пластик ҳаракатларни сингдириш маҳорати.				2		
4	Талабанинг пластикаси ва саҳнадаги ҳаракатини шакллантириш.						
5	Пластик ва хореографик дастурларини миллий пластика элементлари билан омикталаштириш.						2
	Жами:	10	8	4	4		

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Саҳна ҳаракати ва ундаги замонавий йўналиш ва услублар (2 соат маъруза)

Режа:

- 1.Талабаларда пластика ва саҳнавий ҳатти ҳаракатини шакллантириш.
2. Талабада ижод қилиш, ижодий изланиш жараёнларини йўлга қўя билиш.

Акробатик ҳаракатлар кейинги вақтда кўпгина театрларда, айниқса комедия жанридаги пиеса, эртақларда образларни очиб беришда, саҳнадаги талабларни ҳал этишда, образни ифодалаб беришда турли хил жилолар беришида фойдаланиладики, бу усул саҳна ҳаракати динамикасини кучайтириш имкониятини беради. Театр ўқув юртларида акробатика махсус саҳнанинг амалда зарур ва ажралмас қисмига айланиб қолар экан актёрга керак бўлган қатор сифатларини тарбиялаб беради: макон ва замонга мослашиш, аъзои баданнинг турли ҳолатлари ва таянч нуқтасини англаб

олиши, тезда диққат марказини ўзгартириши; шерик ҳамда ижодий гуруҳни ҳис эта олиши; ўз куч ва имкониятларини чамалаб, етарли даражада дадиллик, ўз-ўзига ишонч, ҳаракатларида равон ва аниқликка эришишга интилоқ керак. Акробатик ҳаракатлар театрда турли формаларда қўлланилади. Акробатик ҳаракатларга асосланган ёки алоҳида акробатик ибора ва комбинациялардан иборат бутун бир сахналар қўлланиши, шунингдек, акробатиканинг алоҳида кўринишлари ора-чора киритилиши мумкин.

2- мавзу. Замонавий пластика амалиёти билан танишиш.

(2 соат маъруза)

Режа:

1. Янги машқлар устида ишлаш методикаси.
2. Мураккаб машқлар амалиёти.

Замонавий театр ва кино жараёни талаблари ошганлиги ва мураккабланишганини инобатга олиб, актёр ва режиссёрларга бўлган талаб даражаси ҳам ортиб бормоқда. Актёрни ўз устида ишлаши ва ҳаракат соҳасини шакллантириши энг муҳим талаблардан биридир. Юқоридаги талабларни инобатга олиб, ҳаракат соҳасини янгилаш, замонавийлаштириш энг муҳим омил ҳисобланади. Машқларни оддийликдан мураккабликка қараб ривожланиш босқичлари шакллантирилади. Томошабинларни ишонтира олиш имкониятини яратади.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

3-мавзу. Талабаларга индивидуал тарзда пластик ҳаракатларни сингдириш маҳорати. (2 соат амалий)

Режа:

1. Ҳарактерли юришлар ва уларнинг ўзлаштириш услублари.
2. Музиқий ритмга мос ҳаракатланиш усуллари.

Ҳаракат-бу ҳаёт, унда инсоннинг туғилишидан то қарилликкача бўлган ҳатти-ҳаракатларини рўёбга чиқаради. Ҳаракат маданияти одам жисмини тартибга солади. Организмнинг функционал ҳолатига, техникасига, асаб тизимига ижобий таъсир этади, одамнинг ич-ичидан ҳаракатини уйғунлаштириб, эркин тутишини таъминлайди, ирода ва диққатини тарбиялайди, ҳис-туйғусини чархлайди.

Инсон фаолиятидаги барча ҳаракатлар кўп жihatдан машқларининг қай даражада тайёр эканлиги билан боғлиқ десак муболаға бўлмайди.

4-мавзу. Талабанинг пластикаси ва сахнадаги ҳаракатини шакллантириш (2 соат амалий машғулот)

Режа

1. Пластик ва хореографик дастурларини миллий пластика элементлари билан омикталаштириш

2. Этикетлар билан танишув

3. Сахна жанги элементлари

Режиссёрлик ва актёрлик мутахассислиги тингловчилари ўзларининг талабаларига энг аввало сахнавий эркинлик: сахнада юриш, эркин гапириш, ҳатти-ҳаракат қилиш, рақсга тушаолиш каби элементларни ўргатишдан бошлайди. Сахнавий эркинликни таъминлайди. Пластик ва хореографик ҳатти-ҳаракатларни танасига сингдиради.

КАЛИТ СЎЗЛАР

Гурзи- Шарқда қадимдан ишлатилиб келинган жанг қуроли. Туркий халқлар орасида чўмоқ, чўқмор деб ҳам юритилган. Ярим метр чамаси пишиқ ёғоч даста учига оғир металлдан тиканли қилиб ишланган шар ўрнатилган. Гурзи билан асосан суворийлар қуроллантирилган. 17- асрдан Украинада хукмронлик (*гетманлик*) белгиси сифатида қўлланилган.

Камон, - камалак, ёй-ўрта тош (мезолит) даврида ибтидоий овчилар томонидан ихтиро қилиниб, 17- асргача (Шимол халқларида 20-аср бошларигача) қўлланилган ов ва жанг қуроли. Камон икки қисмдан иборат: 1) эгма чўп, 2) тиркаш. Камоннинг эгма чўпи сариқ тол, самбит, ёввойи жийда ва жингил шохидан ясаиб, унинг икки учига баъзан суяк ёки қимматли металл қопланган. Камоннинг тиркаши асосан пайдан қилинган. Камоннинг икки хили мавжуд: 1) оддий камон; 2) мураккаб камон. Оддий камон ярим доира шаклида. Мураккаб камон эса ёйилган қуш қанот шаклида. Мураккаб камон асрлар давомида такомиллаштириб борилган. Мураккаб камон Ўрта Осиё халқларига миллоддан аввалги 11мингинчи йилликдан маълум. Камоннинг ўқи 100-150 метр масофадаги нишонни ура олган (спорт мусобақаларида 900 метргача борган.) Камон ҳозирги пайтда спортда қўлланилади.

Найза- 1) санчиш ёки ирғитиш учун мўлжалланган ов ва жанг қуроли. Палеолит даврида пайдо бўлган. Илк найза 1,5 дан 5метр гача узунликдаги

ёғочдан учи ўткир қилиб ясалган. Дастлаб найза учига ўткир тош, кейинчалик суяк санчқи маҳкамланган. Бронзадаврида найза санчқиси металлдан ясалган. Қўлланилишига қараб найзанинг узунлиги турлича бўлган: ирғитиладиган найзалар калта, пиёда аскарлар найзаси узун бўлган. 19-асрдан милтиқ учига ҳам найза ўрнатила бошлаган. Милтиқ учига ўрнатиладиган найзалар игнасимон (учлик) ва пичоқсимон (тиғлик) бўлади. Найза жаҳон халқларининг деярли ҳаммасида кенг тарқалган. 2) енгил атлетикада қўлланиладиган гимнастика асбоби. Эркаклар учун мўлжалланган найза узунлиги 260 см, оғирлиги 800 гр, хотин-қизлар учун 220 см, оғирлиги 600 гр. Ирғитишга қулай бўлсин учун найзанинг ўрта қисмига ип ўралади.

Найзабозлик- қўл жанги турларидан бири; рақибни найза санчиб махв қилиш. Найзабозлик жанг қилишнинг қадимги усулларидан бири бўлиб, найза пайдо бўлиши билан вужудга келган. Аскарлар ёяндозлик, қиличбозлик сингари найзабозликка ҳам ўргатилган. Найзабозликда химоя воситаси сифатида қалқон ва совутдан фойдаланилган. 19-асрнинг ўрталаридан бошлаб, милтиққа найза ўрнатилгач, найзабозлик зарур бўлгандагина қўлланилган. Ҳозирги пайтда автоматларга махсус пичоқ-найза бириктирилса ҳам унга эҳтиёж бўлмаганлиги учун солдатлар найзабозликка деярли ўргатилмайди.

Ритмика- 1) Музыка жўрлигида бажариладиган жисмоний машқлар мажмуи. Улар ритмик тарбия (ритм билан ҳаракатланишни, мускуллар эркинлигини, шунингдек, музыка хотираси, ўқуви ва бошқаларни ривожлантириш) учун мўлжалланади.

Рицарлар- ўрта асрларда ғарбий ва марказий Европа мамлакатларидаги барча феодал аристократлар (кенг маънодаги рицарлар) ни ёки уларнинг бир қисми – майда феодаллар (тор маънодаги рицарлар) ни ўз ичига олган ижтимоий табақа. Рицарлар ҳақидаги дастлабки маълумотлар 10-аср охирига мансуб. Бу вақтда «Рицарлар» деганда оқсуяклар вассали бўлган харбий (асосан отлик) хизматкорлар тушунилган.

Рицар учун жангда ботирлик ва мардлик кўрсатиш, ўз сенёрига содиқлик, христиан черковини ва унинг руҳонийларини, рицарлар уруғларидан бўлган «етим-есир ва заиф» авлодларини химоя қилиш мажбурий ҳисобланган. Бўлажак рицарларни тарбиялашга алоҳидаэътибор берилган. Ўғил болалар 7 ёшлигидан бошлаб отда юриш, қиличбозлик, ёй отиш, ов қилиш ва бошқаларга ўргатилган, уларга рицарларнинг ахлоқ нормалари сингдирилган.

Сарбоз- (форс-тожик – бош ва ўйнамоқ, фидо қилмоқ). Эронда ва Ўрта Осиё хонликларидаги мунтазам армия аскарлари.

Совут- жангда танани курул зарбидан саклайдиган харбий кийим. Ўрта Осиё ва Шарқ армияларида илк ўрта асрлардан бошлаб қўлланилган. Совут дастлаб тўр куйлакка ўхшатиб пўлатдан ясалган. Кейинчалик мустаҳкамроқ бўлиши учун унинг устига турли шаклдаги металл тангачалар қопланган. Совутнинг ёқасиз ва енгсиз тури ҳам бўлган. У махфий равишда оддий кийим остидан кийилган.

Туғ – байроқ, қадим замон ва ўрта асрларда кўшин (харбий қисм) белгиси. Учи думалоқ таёқ ёки учига тилла шар боғланган найзага от ёки ёввойи ҳўкизнинг думини илиб туғ – байроқ ясаганлар. Ҳар бир қабила ва амирнинг махсус байроғи (масалан, туманбеги байроғи «тумонтуғ», амир ул-умаронинг байроғи «чортуғ» деб аталган.) бўлиб, уни кўтариб юрувчи аскар «Туғчи», «Байроқдор» (Эрон ва Арабистонда «аламдор») дейилган. Амир Темур замонидан бошлаб байроқ турли рангдаги матолардан ишланган ва ҳар бир қабила кўшинининг ўз байроғи (оқ, қизил, кўк, сариқ ва бошқалар) бўлган. Байроқни махсус харбий бўлинма кўриқлаган. Бу бўлинмага туғчи боши (туксобо) бошчилик қилган. Ғарбий Европа шаҳарларида табақа, уюшма ва корхона ўз байроғига эга бўлган.

Турнир- Ғарбий Европада ўрта асрларда рицарларнинг харбий мусобақаси. Турнир мақсади – рицарларнинг жанговарлик қобилиятларини намойиш қилиш. 16-асрга келиб кўпчилик мамлакатларда барҳам топган.

Ханжар- икки тарафи тиғли, ўткиручли курул.Қадим замонларда ҳайвон шохларидан ҳамда чакмоқ тошдан ясалган. Кейинчалик мис, бронза, темир ва пўлатдан ясала бошлаган. Пўлат ханжар чиройли безатилган кинларда олиб юрилган. Баъзи халқларда (масалан, Кавказ халқларида) ханжар миллий кийимнинг жиҳози ҳисобланади.

Чавгон- (форс-тожик – учи эгри узун таёқ) – чавгон (клюшка) ва тўп билан отда команда бўлиб ўйналадиган спорт ўйини. Ўйин мазмуни ва мақсади ўйинчилар томонидан рақиб дарвозасига энг кўп тўп киритишдан иборат. Ўйинда чавгон билан рақиб чавгонини уриш, тўпни оёқ билан тепиш, дарвоза олдидаги ярим доира ичига кириш, рақиб чавгонини қўл билан ушлаш, синган чавгон билан ўйнаш тақиқланади. Уйинчи ўйин қоидасини кўпол равишда бузса, жарима тўпи белгиланади ёки у ўйиндан чиқариб юборилади, агар ўз штраф майдонида қоидани бузса, 6 метрдан жарима тўпи белгиланади. Ўйинчилар ўйин пайтида миллий кийимда бўлишлари шарт. Майдоннинг ташқи томонида 2 та пиёда судья судьялик қилади.

Қалқон- жангчининг танасини тиғли куруллар зарбидан ҳимоя қилувчи мослама. Энг қадимги қалқонлар ёғоч, тўкилган чивик, кўға, тери кейинчалик эса бронза ва темирдан ясалган. Қалқон шакли ва катта-

кичиклиги турли халқларда турлича (юмалок, учбурчак, тўртбурчак, тухумсимон, ярим цилиндрик ва бошқалар) бўлган. Мил. ав.ги 3-минг йилликда Месопотамияда усти мис пластинкалар билан қопланган ёғоч қалқонлар қўлланилган. Бронзадан қилинган биринчи қалқон мил. ав.ги 2-минг йилликда Оссурияда вужудга келган. Кўпинча, қалқонлар турли расм, эмблема, герб ва бошқалар тасвири билан безатилган. 16-17 асрларда ўтсочар қуролларнинг такомиллашуви билан ўз аҳамиятини йўқотган.

Қилич- санчиш ёки чопиш билан душманга шикаст етказадиган тўғли қурол. Қиличнинг хилма-хил типлари мавжуд. Дастлабки қиличлар ханжарга ўхшаб учи ўткир, ҳар икки ёғида тўғи бўлган. Қилич дастасидан қўл тўғ томонга ўтиб кетмаслиги учун даста билан тўғ турли шаклда ажратиб қўйилган. Қиличнинг илк кўринишлари суякдан ясалиб, сиртига чакмоқтош қопланган (у фақат санчишга мўлжалланган.)

Қиличбозлик- спорт турларидан бири. Спорт қуроллари – рапира, қилич (сабля), шамшир (шпага) да расмий қоидалар билан яккама-якка олишувдан иборат. Олишув эркаклар ўртасида 5-10 зарбагача, аёллар ўртасида 5-8 зарбагача давом этади. Олишув эни 2м ва узунлиги 14м (рапира), 18м (шамшир, қилич) махсус йўлкада ўтказилади.

Аниқлик – ҳужум вақтида қурол билан рақибнинг гавдасига бериладиган санчиш ва зарба бериш нуқтаси. Ҳимоя вақтида эса гавданинг аниқ нуқтасини ёпиб ҳимояланиш.

Айлана ҳимоя – рақибнинг қўлидаги қуроли атрофидан ўз қуролини айлантириб олинадиган ҳимоя.

Батман - душман қўлидаги қуролини ўзининг қиличи билан кескин уриб юбориши.

Бошланғич ҳолат – жангчининг «жанговор ҳолат»га ўтишидан олдин тинч тургандаги ҳолати.

Гарда – қиличнинг тўғи билан дастаси ўртасидаги рақиб етказган зарбани тўхтатиб қолувчи ҳимоя тўғи.

Жавоб ҳужуми - ҳимоя олгандан сўнг душманга бериладиган жавоб зарба.

Жанговор чизик – «жанговор ҳолат»да жангчиларнинг оёқлари ва товонларининг бир чизикда туриши.

«Жанговор ҳолат»да туриш – жангчиларнинг жанг бошлашдан аввал жангга ҳозирлик кўриб туриш ҳолати. Бу ҳолатда туриш жангчиларнинг қўлидаги қуролининг турларига ҳам боғлиқдир.

Зарб – қиличнинг тўғи ёки унинг учи билан рақибнинг танасига текказиш.

Зарба бериш ёки санчиш мумкин бўлган нуқта – «сахна қиличбозлиги» да рақибнинг гавдасини барча қисмига зарба бериш ёки санчиш мумкин.

Катта «кескин» қадам ташлаш – «жанговор ҳолат»да турган ҳолатдан чап оёқнинг тиззасини кескин тўғирланиши ҳисобига ўнг оёқ олдинга чиқиб, тиззадан 90 градус букилган ҳолда бўлиши.

Катта «кескин» қадамдан қайтиш – олдинги ўнг оёқни яна «жанговор ҳолат» га қайтариб қўйиш.

Маиший ҳаракатлар – текисликда оёқларнинг ўзаро жойлашиши, қуроллар билан бажариладиган хатти-ҳаракатлар; қуролсизлантириш, қурол билан салом бериш, қасамёд қилиш ва бош кийим, плашлар ёрдамида қилинадиган хатти-ҳаракатлар.

Найзаси – ҳар икки томони яхшилаб чархланган қиличнинг ўткир учи.

Олқишлаш – рақибни қурол билан қалқонга бир-икки уриб, уни юқорига кўтарган ҳолда ҳурматини бажо келтириш ҳолати.

Оёқ ҳаракатлари – қиличбозлик вақтида жангчиларнинг оёқлари билан қилинадиган барча хатти-ҳаракатлар (қадам ташлашлар).

Оддий химоялар – рақибнинг гавдага етказган санчиш ва зарба беришларидан ўзини қурол билан тўсиб қолиш ҳолати.

Оёқ билан ер тепиш – жангчининг бир оёғи билан ерни икки маротаба тепиб қўйиш аломати – машқни (жангни) зудлик билан тўхтатиш кераклигидан далолат беради.

Оддий хужум – рақибга бир темпда зарб бериш, санчиш, оддий айлантриб санчиш ва тўғридан тўғри бостириб бориш.

Партнёр – шахсан биргаликда ёнма-ён туриб рол ўйновчи, ўтилган машқларни бирга қайтарувчи, этюд ва парчаларда иштирок этувчи актёр.

Рақиб – «сахна қиличбозлиги» дарсида қарама-қарши томонда туриб жанг қилувчи шахс.

Санчиш – қиличнинг учи билан рақибнинг танасини мўлжалланган нуқтасига текказиш.

Санчишни кўрсатиш – жангчи қўлидаги қуролининг учи билан рақиб гавдасининг мўлжалланган нуқтасига тўғирлаш.

Салом бериш – жангчиларнинг ўзаро қурол билан ёки қуролсиз ҳолатда ҳурмат юзасидан бир-бирига таъзим изҳор қилиши.

Тезлик – қиличбозлик жараёнида бир ҳаракатдан иккинчи ҳаракатга ўтиш вақти.

Тиғ – барча қуролларнинг кесадиган томони чархланган бўлиб, у тиғ деб аталади. Тиғ – ҳар хил кўринишда, узун ва калта бўлиши мумкин.

Тикланиш ҳолати – жангчиларнинг низомда кўрсатилганидек, жангдан сўнг узлигини йиғиб, «тек» туриш ҳолати.

Тайёргарлик хужуми – рақиб қуролига таъсир кўрсатгандан сўнг бажариладиган ҳаракат.

Тарихий қиличбозлик – тарихий даврларга хос бўлган турли қуролларда шартли жанг қилиш усули.

Ҳимоя – рақибнинг санчиши ва зарбаларидан ўзининг танасини ҳар томонга эгиб, қурол воситаси орқали сақланиш.

Ҳимоя ҳаракати – берилган зарбадан сақланиб қолиш учун ўнг ва чапга, олдинга ва орқага энгашиб қолиш, юқорига ва ёнга сакраш ҳолати.

Хужум – шиддат билан олдинга интилиб, рақибга зарба бериш ёки санчиш учун қилинадиган ҳаракат.

Ҳолат – жангчининг танасига нисбатан оёқ-қўл ва қуролнинг жойлашишига айтилади. Бундай ҳолат орқали хужумга ёки ҳимояга ўтилади.

Эфес – совуқ қуролни қўлда қулай қилиб ушланадиган дастаси. Панжаларни рақиб зарбидан сақлаб қолувчи тўсиқ гардаси бўлиб, қиличнинг сопи ва тиғини бир-бирига маҳкам бирлаштириб турувчи мурувват (гайка) дан иборат.

Эркин ҳолат – жангчининг бошланғич ҳолатга қайтиши ва ўзини эркин ҳис қилиб, мушакларини бўш қўйган ҳолда дам олиб туриши.

Ўтказиш – қиличнинг ўткир учини рақибнинг қуроли устидан ёки тагидан айлантириб ўтиш.

Ўзини четга олиш – чап ёки ўнг оёқларни бир жойда қимирлатмай туриб, ҳаракатда иккинчи оёқни олдинга ёки орқага, ўнгга ёки чап томонга олиб қўйилиши.

Қин – қуролни бекорчи, керак бўлмаган зарбалардан сақлаш учун хизмат қилувчи ғилоф бўлиб, у ёғоч ёки темирдан яслади.

Қўшилув – рақибларнинг қуроларининг бир-бирига тегиб туриш ҳолати. «Саҳна қиличбозлиги»да қуроллар 2, 7, 3, 4 ва 5-6 ҳимояларда қўшилади.

Қиличга таъсир ўтказиш – қилич билан рақибнинг қиличига теккизган ҳолда сирғалтириш, қисқа зарб бериш, уни тўғридан-тўғри ёки айлантириб итариб ташлаш.

Қайтарув хужуми – берилган зарбаларга рақиб жавоб бермаган ҳолатда, орқага чекиниб, яна қайтадан ишлатиладиган ҳолат.

Қиличбозлик «жумласи» - машқ ёки «жанг» мобайнида хужум қилиш ва ҳимояланишнинг ўзаро бир-бири билан боғланиши. Бу ҳолат иккала рақиб томонидан биргаликда амалга оширилади.

Қуролни ҳис қилиш – жангчи рақибининг қуролни ўзининг қуроли билан тўсиб турган ҳолатида, ўз мушакларининг сиқилиши ёки бўшалиши

орқали хис этади. Шу билан бирга, кейинги бажарадиган ҳаракатларни ҳам сезиши керак.

Хатти-ҳаракат.- сахнада ёки суратга тушириш майдончасида актёрда хатти-ҳаракат ҳаётий хис-туйғуларни вужудга келтиради. Аниқ хатти-ҳаракат жараёнида ички кечинма ўз-ўзидан туғилади.

Хатти-ҳаракат - берилган шарт-шароит билан курашишда мақсадга эришиш йўлидаги психо-физик жараён - деб Г.А. Товстоногов ва А.И.Катсман белгилаганлар.

Аммо пьеса, ёки сценарий экспозициясидаги сюжетда тугунгача **хатти-ҳаракат**да кураш бўлмайди.

Жонлихатти-ҳаракат - актёр ижодида табиий хатти-ҳаракат, у энг қулай ва тўғри ҳолат пайдо қилади.

Актёр хатти-ҳаракати орқали сахнада табиий ҳаёт, яъни *томошабин олдидан* холик вужудга келади.

Хатти – ҳаракат - сезги ва тафаккурга қарама-қарши ўлароқ, **актёр ижодий фаолиятининг моддийлашган кўринишидир.** Яъни, хатти-ҳаракат - актёр меҳнатининг махсули ҳисобланади.

Хатти – ҳаракат - театр сахнаси ёки суратга олиш майдончасида актёрнинг **берилган шарт – шароитларда** тасаввурдаги **мақсад** сари интилиши, фаолиятидир. **Хатти – ҳаракат** – актёр ижодининг асоси.

Хиссиёт – актёр ролнинг берилган шарт-шароитларида ҳаққоний хатти-ҳаракат қилиши, фикр юритиши.

Ички кечинма – пьеса ёки сценарийнинг берилган шарт-шароитларида хатти-ҳаракат қилаётган актёрнинг хотирасидаги хиссиётлар туфайли беихтиёр вужудга келган хис-туйғулари.

Характер (фёъл-атвор)- актёр ижроси орқали қайта гавдаланган тимсолнинг **мантиқий бетакрор қилиғи, одати, хислати** туфайли намоён бўладиган хусусият.

Тўқнашув (конфликт) - тўсқинлик демакдир. Партнёр, ёки партнёрларнинг қарама - қарши, адоватли хатти-ҳаракати. Аммо ҳар қандай тўсқинлик **тўқнашув** бўла олмайди.

«**Агарда?**» - реал ҳаётдан ва реал шарт-шароитлардан, тасаввурдаги ҳаётга ўтишдаги шарт, ҳамда пьеса, сценарий муаллифи ёки режиссёр тасаввуридаги шарт-шароитга актёрнинг ҳақиқий ҳаётдан ўтиши учун бериладиган жавобидир. Станиславский «Агарда»ни, «ижодга кириш дарвозаси» - деб атаган. Актёр ўзига: «Агарда мен спектаклдаги шароитга тушиб қолсам, нима қилар эдим?» - савол бериши ва шу саволдан келиб чиқадиган вазиятда қандай ҳаракат қилиш мумкин? Ижодда «Агарда?» актёр

томонидан ҳаётий ҳақиқатни табиий қилиб яратишга имкон беради. Натижада табиий ҳақиқат бадиий ҳақиқатга айланади.

Бугун, ҳозир, шу ерда – актёр хатти-ҳаракат қилиши учун берилган шарт-шароит.

Сахнавий диққат манбалари - ҳақиқий ва тассавурда бўлиши мумкин.

Актёр тасаввури - ҳаётий (реал) муҳитда, турли шароитларда актёр ўзини кўра олиш қобилияти, ўша вазиятда қаҳрамон ўрнида ўзини кўра билиш салоҳияти.

Фантазия - эҳтимолдан узоқ бўлган (ирреал) шароитларда актёр ўзини кўра олиш қобилияти ёки аслида йўқ манбаларни кўриши. Ирреал бу - ҳақиқий ҳаётда мавжуд бўлмаган, афсонавий, диний, эртақлар олами ҳақида фантастик қараш, илмий гипотеза.

Муносабат - бу актёр ўзи ижро этаётган қаҳрамонининг кўринган манба ҳақидаги **ўй-фикри** ва **сезгисидир**. Кино ёки театрда актёр ўзи яратаётган тимсолининг манбага нисбатан кўрсатган қаршилиги, ўй-фикри ва сезгиси орқали ифодаланади.

Ички монолог - актёрнинг ролдаги ўй-фикри. Ички монолог – аслида ички диалог: актёр томонидан ижро қилинаётган персонаж фикр юритиб, ўзини нимагадир ишонтиради, умидвор бўлади, иккиланади, хаёлан партнёрҳамда ўзи билан бахслашади. К.С. Станиславский “Актёрнинг ўз устида ишлаши” китобида актёр ўз ролда кечираётган фикр жараёнини **ўй-фикрлар ва фикрий хатти-ҳаракат** деб номлаган.

Берилган шарт – шароитга ишонч – бу актёрнинг спектакль ёки суратга тушириш майдонида тўқиб чиқарувчанлик, бадиҳа (импровизация) қила оладиган ижодий қобилияти. Берилган шарт – шароитда ҳаётдагидай бадиий образда яшай олиш, фикрлаш, табиий хатти-ҳаракат қилиш салоҳияти.

Берилган шарт-шароитга ишониш – хотирада сақланиб қолган ҳиссиётлар таъсирида хатти-ҳаракат қилишдир.

Ҳиссий хотира ёрдамида берилган шарт-шароитга ишониш актёр қобилияти ва иқтидорининг мезонидир.

Актёрнинг жисмоний эркинлиги - ўзи ижро этаётган рол учун аниқ хатти-ҳаракат топишга кўмаклашади.

Рол ижро этаётган актёрнинг жисмоний эркинлиги, ўзи бажараётган ишга самимий ишонган ҳолда мақсад сари интилишининг табиийлигини келтириб чиқаради. Натижада сахнавий шарт – шароитда актёр ўзини эмин-эркин тутиш орқали ўзи бажараётган ишидан қониқиш ҳосил қилади. Лекин сахнадаги эркинликни бўшанглик, лапашангликка йўйиб бўлмайди. Тўғри,

сахнада ёки суратга тушириш майдонида актёрнинг хушидан кетиш ва йиқилиш ўйинларидан ташқари. мутлақо жисмоний эркинлигига эришиб бўлмайди.

Мускулларни бўшатиш - берилган ролни тўғри ижро этиш учун актёр жисмоний эркинликга эришиш йўлида ўз танасида мускулларни бўшатиши зарур.

Актёрнинг жисмоний аъзоларининг мувозанати (нейтраллиги)-бу актёрнинг жонли хатти-ҳаракат жараёнида жисмоний эркинлигидир.

Актёр юзидаги эркинлик - Станиславскийнинг фикрича юз эркинлиги, бу – бачканаликдан, ўй-фикр ва ҳиссиётни «ўйнаб» кўрсатишдан ҳоли бўлишдир. Табиий ҳаракат жараёнида актёр ўз юзи ва бутун жисмоний аъзолари ёрдамида гавдалантираётган шахсининг руҳий ҳаётини акс эттиради. Фейл-атвор яратиш жараёнида қайта ўзгарган актёрнинг юзи ва тана аъзолари асл табиий жараёнда ихтиёрсиз равишда ички руҳий ҳолатни акс эттиради. Юзни буриштириб кўрсатиш оддий ҳаваскорликдан бошқа нарса эмас. Пешонани тириштириш, лабни тишлаш, кўзларни катта очиб юмиш, қош қоқиш, ортикча қўл ҳаракатлари (жестикация) сахна қонунига зиддир.

Мимика – сахнавий ҳаракат жараёнида актёрнинг табиий, самимий ифодали юзи (мимикага ўргатиб бўлмайди – фақатгина юз мускулларини машқ қилдириш асосида ишлаб такомиллаштириш зарур).

Хатти-ҳаракат қилиш учун ёндашиш, сахнадошга яқинлашиш – бу олий мақсадга муваффақиятли эришиш йўлида шахс томонидан ўзи учун қўшимча шароит яратилишидир.

Актёрнинг сўз орқали хатти-ҳаракати -сахнавий ёки фильм қаҳрамонининг мақсадга эришиш йўлида сахнадошига сўз орқали таъсир этиши. Сўз ҳаракати - сўз орқали таъсир ўтказиш демакдир. Сўз билан ҳаракат жараёнида энг муҳими «сукут сақлаш» орқали мунтазам фикрий кураш, хатти-ҳаракат қилишдир. Сахнадошининг сўзли хатти-ҳаракатига нисбатан у билан фикрий баҳслашиш, жанжаллашиш ёки муросага келиш. Шундагина сукут ҳолатида таъсир жавобини ўтказаетган сахнадошининг аниқ хатти-ҳаракати топилади. Энг ёрқин сўз ҳаракати – бу сахнадош билан фикран баҳслашиш, яъни сахнадошни қўллаб - қувватлашга ёки бошқача ўйлашга, хатти – ҳаракат қилишига ва ниҳоят унда ўзгача туйғулар пайдо қилишга мажбурлаш.

Сахнавий муҳит бу - хатти-ҳаракат содир бўлаётган макондаги кайфият, жой ва вақтни ҳис қилиш. Буларнинг ҳаммаси қаҳрамон, ижрочилар ва томошабин қалбида ҳиссий таассурот туғдиради. Бекатдаги муҳит билан ибодатхонадаги муҳитни, ошхона билан касалхона, тўй билан азани,

қашшоқлик билан тўкин дастурхонни тенглаштириб бўлмайди. Саҳнада ҳукм сураётган муҳит қаҳрамон ёки иштирокчиларнинг шахсий ҳис-туйғуларидан кескин фарқ қилса, бу тўғри топилган ифодавий восита бўлади. Муҳит хатти-ҳаракат ривожланиш жараёнида ўзгаради. Театр санъати бўйича муҳит муаллифи бу- Москвадаги Бадиий театр. К.С.Станиславский ва Вл.И.Немирович – Данченко спектакллари ҳар доим ҳиссиётларга бой муҳит билан таърифланар эди. Бу спектакллар томошабин томонидан бадиий ихтиродай қабул қилинарди. Муҳитга декорация, товуш ва мусиқалар таъсир қилади. Актёр, режиссёр ва сценографнинг театр, кино санъатида аниқ яратган муҳити– ёрқин бадиий ифодавий восита ҳисобланади.

Ролнинг етакчи хатти – ҳаракати - актёрнинг бутун спектакль давомида ёки кино асарида асосий хатти – ҳаракати ҳисобланади. Етакчи хатти – ҳаракат актёрни мақсад сари интилишига ва ўзи ижро этаётган ролининг олий мақсадига эришишга етаклаб боради. Бу ролнинг асосий ғояси.

Спектаклнинг етакчи хатти – ҳаракати – бу спектаклнинг энг олий ахлоқий ғояси, олий мақсади учун кураш жараёнидаги асосий хатти-ҳаракат. Хатти – ҳаракат актёр санъатининг маҳсулотидир.

Қарама-қарши хатти-ҳаракат (контр хатти – ҳаракат) - спектакль ёки экран асарларидаги юксак ғоялар ғалабаси учун интилаётган қаҳрамонларга қарши курашувчи салбий шахсларнинг асосий хатти – ҳаракатини билдиради. Тўқималарнинг чалкашли, фавқулодда ўзгаришлари кескинликни ошириб, томошабин қизиқишини кучайтиради. Агар спектаклда барча воқеаларни намойиш этишга ўтиб, кураш жараёни назардан четда қолса, томоша залида зерикаш муҳити пайдо бўлади.

Актёрни тимсолий гавдаланиши – саҳна ёки суратга тушириш майдонида актёр ўзлигини йўқотмаган ҳолда **бошқа инсонга** айланиб, ижодий хулқ-атвор ва ҳиссиётини намоён этишидан иборат. Актёр томонидан бажарилаётган “**бошқа инсон**”нинг қилмишлари бу - ролда ўйлаб топилган “**бошқа инсон**” нинг, яъни бадиий тимсолнинг феъл-атвори, ҳиссиётини туғдиради.

Илҳом – онг ости, онг усти ва беихтиёр актёр, режиссёр ҳамда сценограф маҳсулининг намоён бўлиши. Инсон табиатида учрайдиган бу “**равшан тортиш**” - чуқур ижодий изланишлар натижасида беихтиёр туғилади. Ижодий изланиш интуиция (ғайриихтиёрий хис, зийраклик)ни, яъни ўта онгли равишдаги ихтиро ва кашфиётни вужудга келтиради. Актёр ижоди бу – онгли, онг ости, онг усти ва беихтиёр изланишлар синтези. Станиславский

3.Фрейднинг илмий кашфиётини англаган ҳолда беихтиёрлик психологиясига ўз диққатини қаратади.

Ижодий изланиш - бу бадиий тимсол яратиш жараёнидаги улкан меҳнат.

Актёрнинг ижодий салоҳияти— бу унинг инсоний хислати, табиати, ёши, ташқи кўриниши, ёқимтойлиги ва ички маданияти, ҳаётий тажрибаси, тасаввурининг ранг-баранглиги, таъсирчанлиги, ҳаётий воқеа ва ходисаларга муносабати ва уларни сахнада ёки экран орқали акс эттира олиш салоҳияти.

Актёр -ижодий касб атамаси, лотинча «Астео» сўздан келиб чиққан, хатти – ҳаракат маъносини билдиради; акт – активъни фаол. Унинг ўзига хослиги шундаки, инсонларнинг хусусият ва хислатларини хатти-ҳаракат орқали, кечинма, ташқи қиёфа, фикр юритиш, муносабат, қилиғи, сўз оҳанглари орқали бажарган ва бажараётган ишларини томошабинга кўрсатаолиши керак.

Артист – француз тилидан олинган бўлиб, **ижодкор**, яратувчи маъносини англатади. **Ижодкор** – юқори малакали мутахассис. Ҳаётда барчага маъқул бўладиган хусусиятларни кашф қила олиш, санъатда янгилик ярата олиш ва у яратган асарлар бадиий қиймат касб этиши зарур.

Мизансаҳна – хатти-ҳаракатни, диалогни, воқеани, муносабат ва қарама-қаршилиқни пластик (нафис) тимсоли.

Жест (қўл ҳаракатлари) –суратга тушириш майдонида ёки сахнада актёрнинг қўл ёки қўлларининг бадиий-ифодавий ҳаракати.

Ҳаракатсиз қўллар – К.С.Станиславский актёрнинг сахнадаги ифодасиз, самарасиз қўл ҳаракатларини рад этган. Актёрлар ортиқча қўл ҳаракатини қилмасликлари учун, репетиция жараёнларида Станиславский уларни ўз қўллари устига ўтиришларини таклиф қилган. Шахснинг қўл ҳаракатлари очиқ, бадиий жихатдан ҳиссиётларга бой, таъсирчанлик хусусиятларига эга бўлиши керак.

Актёр пластикаси – нафис ҳаракат, бу ундаги тана ҳаракатларининг ифодавий таъсирчанлиги, маънодорлиги.

Актёр продаси – мақсад сари собитқадамлик билан хатти-ҳаракат қилиб, ижодий ютуқларга эришиш йўлидаги фаоллик.

Штамп (кўчирма)– актёрнинг “миси чиққан”, “чайналган” хатти-ҳаракатлари, ўзининг ёки бошқаларнинг хулқ-атворини мана шу тарзда кўчириб кўрсатиш.

Пьеса ва ролнинг ҳаракатли таҳлили - буспектаклни стол атрофида ишлаш жараёни билан бирга, сахнадаги этюдли репетицияни ўз ичига олади. Бу - асарнинг берилган шарт – шароитларида актёрни руҳий - жисмоний ҳаёт кечириш жараёнининг бирикмаси. Рол сўзлари ёдланмайди. Матнни

ўзлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бундай иш жараёнида ижодий фикрлаш доираси ва актёрлар изланиши фаоллашади.

Театраллаштириш – спектаклнинг ёрқин, мажозий томошавийлиги, ролларнинг ранг-баранг ижроси, декорациялар жозибадорлиги.

Дилетантизм – бу театр меҳнати ҳақида юзаки билим, актёр ёки режиссёр сахнавий ишида касбий уқувнинг йўқлиги.

Сахнавий хунармандлик – штамп, яъни бошқа актёрларга тақлид қилиб ўйнаш, ролда ўзгаларнинг хатти-ҳаракат шаклини, ўзининг бошқа ўйнаган ролларидаги топилмаларини такрорлаш.

Сахнада қилиқ қилиш - лаёқатсиз актёрда касбий маданиятини етишмаслиги оқибатида сахнада туриб турли қилиқлар кўрсатиши. Буни биз «**Сахнавий қилиқ ёки нозланиш**» - деб атаймиз.

Бадий ижод – санъат оламида янги қадриятлар яратади. Режиссёр спектакль, актёр инсонларнинг янги қиёфасини яратиш орқали намоён бўлади. Актёр томонидан инсон тимсолини яратиш, янги нарсани эскича, эски нарсани янгича талқин қилиш орқали бунга эришилади. Санъат янгиликсиз бўлмайди

Кечинма санъати - бу спектакль ёки экран асарларида, ҳар бир ижро давомида актёр ички кечинмаси билан рол ҳиссиётлари бирлашиб кетиши. Кечинма санъат томошабинни ҳаяжонлантиради, ҳайратга солади.

Маиший ҳаёт – акс эттирилаётган халқнинг ҳаётини ҳаққоний кўриниши.

Кузатув – актёр ва режиссёрнинг алоҳида хусусиятларга эга бўлиши ва бошқаларда қизиқиш уйғотувчи кундалик нарсаларни кўриб кузатиш қобилияти.

Станиславский системаси – актёрлик ва режиссёрлик кечинма санъатининг ижодий услубияти. Жонли ва поэтик тимсол ҳаётини ижодда акс эттирувчи бирламчи бадий санъат ҳисобланади. Актёрлик ва режиссёрлик ижоди – юксак камолотга эришилган ахлоқий, маънавий ҳаётни, яъни гўзаллик, эзгулик ва ҳақиқатни тараннум этади.

Актёрлик ва режиссёрлик ижоди системасини К.С.Станиславский доимий ишлаб, ривожлантириб келди. Унинг унсур ва атамалар ҳақида олиб борган изланишлари кўпқиррали. Актёрлик ва режиссёрлик ижодининг системаси устида у 1906 йилдан 1938 йилга қадар ишлаган.

Системани Станиславскийнинг сафдошлари ва шогирдлари мунтазам ривожлантириб келганлар.

Вл.И.Немирович-Данченко турли хил воқеа ва берилган шарт-шароитларда ролларда актёрлар аниқ **жисмоний ҳолат** топишларига алоҳида эътибор берган.

Фикрлар юки – сахнавий қахрамон томонидан ечилиши қийин бўлган вазифа. Фикрлар юки – шубха ва умид туғдирувчи чуқур ўйлар юритиш учун ҳамда вазифа ечимини топиш учун диққатни йиғишга олиб келади. Фикрлар юки айниқса, қахрамон ўз фикрини очиқ айтишга йўл қўймаган шароитларда сезиларли бўлади. Актёрлик ва режиссёрлик санъати назариясига “**фикрларюки**” атамасини Вл.И. Немирович-Данченко киритган.

Иккинчи план – актёр ёки режиссёр ижодида иккинчи план, зохирон содир бўлаётган воқеаларнинг ўзгача, пинхоний маъносини ифода этади. Унинг маъноси истехзо, ўхшатиш, кесатиш, мақташ ва х.к.з. ҳам бўлиши мумкин. Одатда иккинчи план сахнада кечаётган воқеага қахрамоннинг зукко ва зехнли муносабатда бўлишлигини талаб қилади. Бу ҳолатга бир мисол; минбардаги маърузачи зўр бериб маъруза қилмоқда. Эшитувчилар эса, бошқа мавзуда бахслашиб ўтирибдилар. Бу кўринишнинг «Иккинчи плани» - маърузанинг беъманилигини фош этади. (Немирович-Данченко атамаси).

Немирович-Данченко **монологлар келажанинг** ифодавийлигини очиб берди. Бунда аввалги фикр ва сўзлар бўлажак фикр ва сўзлар учун хизмат қилади.

Аксинча бўлиши мумкин эмас: бўлажак сўзлар аввалгисининг исботи учун айтилмайди.

Буни айниқса, А.П.Чехов пьесалари бўйича қўйиладиган спектаклларда ёритиш муҳим ахамиятга эга.

Замонавий актёрлик санъатида асосий эътибор “**сукут сақлаш доираси**”га қаратилиш лозим. Яъни партнёр ёки партнёрларнинг хатти-ҳаракат вақтида ёки сўзлашаётганида актёр нима ҳақида ўйлапти –асосий диққатни мана шунга қаратмоқ керак, -деган фикрни А.Д.Попов айтган ва ёзган.

Санъатда ҳамма нарса илк бор содир бўлади. Тасодифларни қабул қилиш учун, актёр “**берилган шарт-шароитларга орқасини ўгириб турган**”дай бўлиш керак (А.Д.Попов ибораси).

Аниқлик – ҳужум вақтида қурол билан рақибнинг гавдасига бериладиган санчиш ва зарба бериш нуқтаси. Ҳимоя вақтида эса гавданинг аниқ нуқтасини ёпиб ҳимояланиш.

Айлана ҳимоя – рақибнинг қўлидаги қуроли атрофидан ўз қуролини айлантириб олинадиган ҳимоя.

Батман - душман қўлидаги қуролини ўзининг қиличи билан кескин уриб юбориши.

Бошланғич ҳолат – жангчининг «жанговор ҳолат»га ўтишидан олдин тинч тургандаги ҳолати.

Жароҳатланиш – қиличнинг тиғи ёки унинг учи билан рақиб томонидан берилган «шикаст» ни қабул қилиш.

Жавоб ҳужуми - ҳимоя олгандан сўнг душманга бериладиган жавоб зарба.

Жанговор чизик – «жанговор ҳолат»да жангчиларнинг оёқлари ва товонларининг бир чизикда туриши.

«Жанговор ҳолат»да туриш – жангчиларнинг жанг бошлашдан аввал жангга ҳозирлик кўриб туриш ҳолати. Бу ҳолатда туриш жангчиларнинг кўлидаги қуролининг турларига ҳам боғлиқдир

Зарба бериш ёки санчиш мумкин бўлган нуқта – «сахна қиличбозлиги» да рақибнинг гавдасини барча қисмига зарба бериш ёки санчиш мумкин

Катта «кескин» қадам ташлаш – «жанговор ҳолат»да турган ҳолатдан чап оёқнинг тиззасини кескин тўғирланиши ҳисобига ўнг оёқ олдинга чиқиб, тиззадан 90 градус букилган ҳолда бўлиши.

Мақсад – жангчининг ўз олдига қўйган мақсади душманни енгиш. У турли хатти-ҳаракатлар орқали бажарилади.

Масофа – рақиблар орасидаги оралик. Оралик масофа уч хил бўлади: яқин оралик; ўрта оралик; узоқ оралик масофа. Оралик масофа рақиблар кўлидаги қуролнинг узунлигига боғлиқ бўлади.

Маиший ҳаракатлар – текисликда оёқларнинг ўзаро жойлашиши, қуроллар билан бажариладиган хатти-ҳаракатлар; қуролсизлантириш, қурол билан салом бериш, қасамёд қилиш ва бош кийим, плашлар ёрдамида қилинадиган хатти-ҳаракатлар.

Олқишлаш – рақибни қурол билан қалқонга бир-икки уриб, уни юқорига кўтарган ҳолда ҳурматини бажо келтириш ҳолати.

Оёқ ҳаракатлари – қиличбозлик вақтида жангчиларнинг оёқлари билан қилинадиган барча хатти-ҳаракатлар (қадам ташлашлар).

Оддий ҳимоялар – рақибнинг гавдага етказган санчиш ва зарба беришларидан ўзини қурол билан тўсиб қолиш ҳолати.

Оёқ билан ер тепиш – жангчининг бир оёғи билан ерни икки маротаба тепиб қўйиш аломати – машқни (жангни) зудлик билан тўхтатиш кераклигидан далолат беради.

Партнёр – шахсан биргаликда ёнма-ён туриб рол ўйновчи, ўтилган машқларни бирга қайтарувчи, этюд ва парчаларда иштирок этувчи актёр.

Салом бериш – жангчиларнинг ўзаро қурол билан ёки қуролсиз ҳолатда ҳурмат юзасидан бир-бирига таъзим изҳор қилиши.

Тезлик – қиличбозлик жараёнида бир ҳаракатдан иккинчи ҳаракатга ўтиш вақти.

Ҳимоя ҳаракати – берилган зарбадан сақланиб қолиш учун ўнг ва чапга, олдинга ва орқага энгашиб қолиш, юқорига ва ёнга сакраш ҳолати.

Ҳужум – шиддат билан олдинга интилиб, рақибга зарба бериш ёки санчиш учун қилинадиган ҳаракат.

Ҳолат – жангчининг танасига нисбатан оёқ-қўл ва қуролнинг жойлашишига айтилади. Бундай ҳолат орқали ҳужумга ёки ҳимояга ўтилади.

Эфес – совуқ қуролни қўлда қулай қилиб ушланадиган дастаси. Панжаларни рақиб зарбидан сақлаб қолувчи тўсиқ гардаси бўлиб, қиличнинг сопи ва тиғини бир-бирига маҳкам бирлаштириб турувчи мурувват (гайка) дан иборат.

Эркин ҳолат – жангчининг бошланғич ҳолатга қайтиши ва ўзини эркин ҳис қилиб, мушакларини бўш қўйган ҳолда дам олиб туриши.

Ўзини четга олиш – чап ёки ўнг оёқларни бир жойда қимирлатмай туриб, ҳаракатда иккинчи оёқни олдинга ёки орқага, ўнгга ёки чап томонга олиб қўйилиши.

Қайтарув ҳужуми – берилган зарбаларга рақиб жавоб бермаган ҳолатда, орқага чекиниб, яна қайтадан ишлатиладиган ҳолат

Болта- Темирдан ясалган, ёғоч дастали асбоб. Баъзан тиғи пўлатдан қилинади. Дарахт, ёғоч кесиш, тўнка ёриш қабиларда ишлатилади. Болта бир неча турга бўлинади: катта болта (оғирлиги 3кггача), ўрта болта (оғирлиги 2,5кг гача), болтача (оғирлиги 1кг гача) ва ойболта.

МАЪРУЗА МАТНИ

1-мавзу: Саҳна ҳаракати ва ундаги замонавий йўналиш ва услублар

Режа:

- 1.Талабаларда пластика ва саҳнавий ҳатти ҳаракатини шакллантириш.
2. Талабада ижод қилиш, ижодий изланиш жараёнларини йўлга қўя билиш.

Акробатик ҳаракатлар кейинги вақтда кўпгина театрларда, айниқса комедия жанридаги пиеса, эртақларда образларни очиб беришда, саҳнадаги талабларни ҳал этишда, образни ифодалаб беришда турли хил жилолар беришида фойдаланиладики, бу усул саҳна ҳаракати динамикасини кучайтириш имкониятини беради. Театр ўқув юртларида акробатика махсус саҳнанинг амалда зарур ва ажралмас қисмига айланиб қолар экан актёрга керак бўлган қатор сифатларини тарбиялаб беради: макон ва замонга мослашиш, аъзои баданнинг турли ҳолатлари ва таянч нуқтасини англаб олиши, тезда диққат марказини ўзгартириши; шерик ҳамда ижодий гуруҳни ҳис эта олиши; ўз куч ва имкониятларини чамалаб, етарли даражада дадиллик, ўз-ўзига ишонч, ҳаракатларида раво ва аниқликка эришишга интилоқ керак. Акробатик ҳаракатлар театрда турли формаларда қўлланилади. Акробатик ҳаракатларга асосланган ёки алоҳида акробатик ибора ва комбинациялардан иборат бутун бир саҳналар қўлланиши, шунингдек, акробатиканинг алоҳида кўринишлари ора-чора киритилиши мумкин.

Мана масалан, думалоқ ошиб (кульбит) юқоридан йиқилиши ёки сакраш (ичкари томон) эътиборлиси унча баланд бўлмаган (стол, курси, дераза) тўсиқлардан сакраб ўтиш-булар қўлга қўниш; юқорироқ баландликдан қўл ва оёқларга тушиш лозим (икки қўл ва оёқлар билан). Бу каби сакраш-йиқилишлар юқорига, узунасига, тўсиқлар (панжара, ариқ, дераза ва ҳоказо) ташланишда қўлланилиши мумкин. Ғилдирак ҳар турли тўсиқлардан сакраб ўтишга (стол, девор, диван ва ҳоказо) фойдаланилади. Саҳна этюдларида фойдаланиладиган соф акробатик элементларини қўллашда акробатик машқларда орттирилган маҳорат ва тажрибалардан кенг қўламда фойдаланилади.

Методик кўрсатмалар

Акробатик машқларни ўрганиш жараёнида ниҳоятда эҳтиёткорлик ва ҳар бир ҳаракатга алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Машқ тушинтириб ёки кўрсатиб берилиши керак. Бордию, бу камлик қилса ва ижрочи машқни тўлақонли бажара олмаса, у ҳолда унга хийла енгил, ўзига мос машқларни

топшириш керак. Мураккаб машқ ва комбинацияларни ўрганишда кўпинча унинг алоҳида унсурлари, таркибий қисмларига ажратиб кўрсатишнинг ўзи етарли бўлади.

Аввалги машқлар ижросини тўла эгаллаб олмагунча, янги элементларни ўргатишга киришиш асло мумкин эмас, чунки кўзланган мақсадга эришиш нафақат унинг тезкорлиги эмас, балки вазифага тўғри ва методик ёндашишни талаб қилади, зеро қирқ мартта ўлчаб, бир мартта кес, деб бекорга айтилмаган, бу эса акробатиканинг туб элементларини чуқур ва жиддий эгаллашни таъминлайди. Якка машқлар олдинма-кетинлигига риоя қилиб ижро этилиши керакки, оқибатда бутун Гуруҳ машқ темпини пасайтирмасдан тезда такрорланишига имкон беради.

Бу эса ижрочи дам олиши, ва бошқалар ёъл кўйган хатоларни идрок этиб машқларни кунт билан ижро этиш имкониятига эга бўлади.

Акробатика машғулоти учун кенглиги бир ярим метр, қалинлиги ўн-ўн беш сантиметрли икки-учта мата бўлиши лозим. Матанинг устини ювишга яроқли ёпинчиқ билан қопламоқ керак.

Кулбит акробатиканинг энг муҳим таркибий қисми бўлади. Олдинга, орқага ёки ён томонга умбалоқ отиш кулбит хисобланади. Бунда Гуруҳларга ажралиб боши ёки елка узра умбалоқ ошади. Барча акробатик йиқилишлари, кулбитлар ва олдга, орқага, ён томонга турли ҳолатларларда, ҳар хил таянч нуқталаридан ижроси ниҳоятда эҳтиёткорлик билан бажарилиши керак. Ҳар қайси ижрочи навбат билан бир-бирининг орқасидан биттадан машқни бажариб беради. Ижрочи гавдасининг одатдан ташқари айланиб ҳаракат қилиши учун кўникма хосил қилиши керак.

Умбалоқ отишдаги барча машқлар фақат мата устида ва талабларга риоя қилиши ва полга тушишни тўғри бажариши мумкин бўлади.

Кулбит акробатиканинг асосий унсурдан бири бўлиб, шу боис ижро бошиданоқ унинг тўғри ва аниқлигини қатъий назорат қилиб туриш керак, зеро мураккаброқ акробатик машқларга ўтаётиб кулбит беихтиёр бажарилади.

Ўз-ўзини баҳолаш саволлари:

1. Саҳнавий ҳатти ҳаракат деганда нималарни биласиз?
2. Қандай спектакллар кўргансиз?
3. Қайси актёрларни ижроси сизга ёқади? Нима учун?
4. Қандай спекдакллар кўришни хоҳлайсиз?
5. Замонавий ва тарихий спектаклларга муносабатингиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Дрозднин А. Сценическая акробатика. - М., 2005.
2. Дрозднин А. Сценическое движение. - М., 2004.
3. Исмоилов А.Ф. Саҳна қиличбозлиги. - Т., 2004.
4. Исмоилов А.Ф. Саҳна ҳаракати. - Т., 1967.
5. Исмоилов А.Ф. Саҳна қиличбозлиги.”Электрон дарслик”-2008.
6. А.Немеровский “Пластическая выразительность актёра”Москва «Искусство»1988 й
7. Г. В. Морозова. О пластической композиции спектаклей.-2001
8. Кох И.Э. – «Сценическое движение» - 1970 й.
9. Махмудов Ж..О. Актёрлик маҳорати. -Т., 2005.
10. Юсупова М.Р. Упражнение по актёрскому тренингу. -Т., 2004.
11. Станиславский К.С. Собрание сочинений, т. 1-2. - М.,1954-1961.
12. А.Немеровский. Пластическая выразительность актёра.-1988.

2-МАВЗУ. Талабаларга индивидуал тарзда пластик ҳаракатларни сингдириш маҳорати. (2 соат маъруза)

Режа:

1. Ҳарактерли юришлар ва уларнинг ўзлаштириш услублари.
2. Замонавий пластика амалиёти билан танишиш.

Ҳаракатчанлик, эгилувчанлик, куч ва енгилликни одам энергиясини, ишчанлиги ва чидамлилигини оширишга сабаб бўлувчи омиллар театр ўқув юртларида олиб борилаётган умумривожланаётган гимнастика шунга қаратилганки, актёр ўз гавдаси ҳар томонлама бир текис ривожланиши, ўз мушаклари ташқи ҳаракатларини ҳис этиб, идора эта олишга қодир бўла олсин. Шу тариқа бир-бири билан узвий боғланган ҳаракатлар тизими театр ўқув юртларидаги таълимнинг асосий фундаменти бўлади, дейишимиз мумкин. Шу боис умумтаълим машқларни бажараётган талабалардан максимал даража фидоийлик талаб этилади. Тиришқоқ бўлмасдан эгилувчанликка эришиш мумкин эмас. Ижро пайтида ва ундан кейин ҳис этилаётган оғриқлар дастлабки пайтларда зарур бўлган юктамаларни аниқлаб олиш учун ижобий таъсир этиши мумкин. Гавда бичимини мукаммаллаштирувчи машқларга алоҳида эътибор бериш зарур. Қадди-қомадни келиштириш учун ҳар куни эрталабки гимнастикага етарли даражада эътибор қаратилиши, қадди-қомадни тўғри тутиши кераклигини унутмаслик лозим. Токи бу ҳолатлар кундалик одатга айланиб қолсин. Дарсларда гавданинг тўғри тутилишини ўзлаштириб олиш мумкин; орқа ва қорин мушакларини мустахкамлаш учун етарли даражада вақт ажратилади.

Бу машқларни ҳар куни эрталаб бажариш тавсия этилади. Бу туркум машқлар юрак-қон томир ва нафас органларига анчайин катта юк бўлиб тушади.

Эгилучанликка қаратилган машқларни турли темпларда, мунтазам равишда ҳаракатларни тезлаштириб ва секинлаштириб ёки ҳар бирини икки-уч мартта гоҳ тез гоҳ секин қайтариб туриш лозим. Бунда ҳаракатни машқ темпини кучайиши ва пасайиши томонига ўзгартириб туриш керак.

Аёл киши кўпинча эркакларга нисбатан эгилувчанроқ бўлиб, оғир атлетика, спорт гимнастикаси яъни йирик мушакларнинг зўриқиб ривожланишига сабаб бўладиган спорт турларига берилиб кетишлари оқибатида ҳаракатчанликни ёъқотиб қўядилар. Бу эса актёр учун кўнгилсиз ҳолдир. Машқлар давомида буни ҳисобга олиш керак; мушаклари хаддан зиёд чўзилиб кетгани ва аксинча, мушаклари ортиқча қисқариб кетишини ҳисобга олиб уларни чўзилувчанлиги, ҳаракатчанлигини оширишга олиб келадиган машқлар билан шуғиллантириш талаб этилади.

Буюм билан машқ қилишни алоҳида машқ соҳасига киритиш мумкин. Бу машқ сахна ҳаракатида алоҳида бўлимга киритилмаган бўлса ҳам-ирғитиш, илиб олиш, кўтариб бир жойдан иккинчи бир жойга олиб бориш асл моҳияти билан зикр этилган малакалар асосида кўпроқ сахна ҳаракатларига хос эканлигига урғу берилади. Буюм билан ишлаш актёрнинг сахна ҳаракатида фантазиясини ва ҳозиржавоблигини ривожлантиради, буюм билан ишлаш рол ижросидаги малакасини ҳаракат ижросини, асли моҳиятини, жойида кўрсата билишлик даражасини оширади. Ҳаракатлар аниқ-равонлиги, уйғунлиги ва эътибор талаб қилиши билан бирга, буюм билан ишлашга актёрдан макон ва вақтни аниқ ҳисобга олиши, объект ва шеригини яхши ҳис эта билишни талаб қилади.

Ҳар бир буюм ўз формаси, катта-кичиклиги, ранги, оғирлиги, ишлатилган материалига эга бўлади. Буларнинг бари ўз хусусияти ва сифати актёр учун алоҳида аҳамияти бор. Актёр кўпинча ўз оғирлиги ва сифати билан ҳақиқийсидан фарқ қилувчи бутафор буюмлар билан ишлашига тўғри келади.

Актёр томошабинга нафақат ўйнатилаётган буюм вазифасини кўрсата билиши, балки унинг актёрлик вазифаси талаб этилган муҳитини акс эттира олиши керак.

Буюм билан ишлашда актёр биринчи вазифаси кўтариш, олиб ўтиш, узатиш, ирғитиш каби ҳаракат техникаларини қунт билан ўрганиши керак.

Оғир буюмлар билан машқ қилишда уларга эҳтиёткорлик, секин-аста, шуғилланувчилар кучини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш лозим. Ушбу бўлимда ишлаш учун зикр этилган буюмлар турли хил бўлиб улардан фақат сахна шароитида қўлланиши талаб этилади.

Буюмлар билан ишлаш (таёқ, кичкина тўп, медитсинбол ашёлари ва ҳ.к.) мусикий жўрликда ижро этиладики, бу қатъий ва аниқ ритм бўлиб кўпинча усулларни ўзлаштириб олишда етарли омил бўлади.

Ўз-ўзини назорат қилиш саволлари

1. Ҳарактерлар ҳақида нималарни биласиз?
2. Сиз билган кўрган характерли йўришлар ҳақида?
3. Ҳар хил даврлардаги характерли йўришлар ҳақида нималар биласиз?
4. Пластик ҳаракатларга кўрилаган мпектакль кўрганмисиз?
5. Замонавий пластика ҳақида нималарни биласиз?

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. Т., 1997
- 1.3. Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури". Т., 1997.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари

2.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 26-мартдаги Ўзбек театр санъатининг ривожлантириш тўғрисида”ги ПФ - 1980-сонли Фармони

2.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.

2.4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

3.1. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.

3.2. Каримов И. А. Маънавият юксалиш йўлида. –Т.: Маънавият, 2004.

3.3. Каримов И.А. Асарлар. 1-15 жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996 - 2002.

3.4. Каримов И. А. Асарлар. Ўзбекистон мустақилликка эришиш арафасида. – Т.: Ўзбекистон, - 2011

3.5.Каримов И.А. “Миллий театримиз – ифтихоримиз”. Тошкент шаҳрида Академик Драма Театри янги биносининг очилиш маросимида сўзлаган нутқи. 2001 йил 30 август.

IV. Дарсликлар, Ўқув қўлланмалар... (алифбо тартибида)

4.1. Дроздин А. Сценическая акробатика. - М., 2005.

4.2. Дроздин А. Сценическое движение. - М., 2004.

4.3. Исмоилов А.Ф. Саҳна қиличбозлиги. - Т., 2004.

4.4. Исмоилов А.Ф. Саҳна ҳаракати. - Т., 1967.

4.5. Исмоилов А.Ф. Саҳна қиличбозлиги.”Электрон дарслик”-2008.

4.6. Кох И.Э. – «Сценическое движение» - 1970 й.

4.7. Махмудов Ж..О. Актёрлик маҳорати. -Т., 2005.

4.8. Морозова Г. В.. О пластической композитсии спектаклй.-2001

4.9.Немеровский А. “Пластическая виразителност актёра”Москва «Искусство»1988 й

4.10 Немеровский А. Пластическая виразителност актёра.-1988

4.11.Немеровский А.. Пластическая виразителност актёра.- 1988

4.12.Санъат таълими йилномаси. 1-4 жилд. –Т.: ЎзДСИ.

4.13.Станиславский К.С. Собрание сочинений, т. 1-2. - М.,1954-1961.

4.14. “Театр” журналлари. 1-12 сон. –Т.: 1999-2012

4.15.Юсупова М.Р. Упражнение по актёрскому тренингу. -Т., 2004.

4.16. Юсупова М.Р. Упражнение по актёрскому тренингу. -Т., 2004.

4.17. Ўзбекистон маданияти ва санъатида замонавий қахрамон образини яратиш муаммолари ва ечимлари.-Т.: ЎзДСИ, 2012.

V. Интернет сайтлари

5.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти:
www.press-service.uz

5.2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: www.gov.uz

5.3. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004,

5.4. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: www.uz

5.5. Ziyonet

5.6. http://www.teatr.ru

5.7. http://www.uzbekteatr.skm.uz

5.8. http://stanislavsky.by.ru

5.9. http://www.teatr-estrada.ru

5.10. http://www.teatr.com

5.11. http://www.aktor.ru

5.12. http://www.meyerhold.ru

5.13. http://www.mxat.ru

5.14. Axborot-resurs markazi http://www.assc.uz/

5.15. www.edu.uz

5.16. www.pedagog.uz

5.17. www.dsmi.uz

5.18. www.bimm.uz

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1	Актёр сўзининг луғавий маъноси нима?	*А) лотинча, хатти-харакат қилувчи	Б) немисча, хатти-харакат қилувчи	С) лотинча, маҳорат	Д) лотинча, образ
2	Координация машқлари неча хил тезликда бажарилади?	А) 3	*Б) 2	С) 4	Д) 1
3	Темпоритм тушунчаси?	А) олий мақсад учун қилинган ҳаракатлар миқдори ва	Б) ижрочилик санъатининг тезкорлик даражаси	*С) хаётий ва шарт-шароит асосидаги хатти-харакатнинг	Д) персонажлар хатти-харакатнинг фаоллик ёки

		вақт бирлигидаги ўлчови		ривож ва унинг вақт бирлигидаги мантиқий якуни	сузлик меёри
4	Актёр ўз ички типортмини ошириш учун қандай спорт тури билан шуғулланганлиг и маъқул?	А) оғир атлетика	Б) бокс	*С) гимнастика ва акробатика	Д) футбол
5	“Оёқларни гимнастика ёғочлар устида схема бўйича олиб олиш”. Ушбу координация машқи қайси оёқдан бошланади?	А) ўнг	*Б) чап	С) қўл билан бajarиллади	Д) ҳар икки оёқда
6	“Оёқларни гимнастика ёғочлар устида схема бўйича олиб ўтиш”. Ушбу координация машқини бajarишдан аввал оёқлар қай ҳолатда туради?	А) ўнг оёқ сал олдинроқда	Б) оёқлар ораси очиқ	*С) товонлар жуфтлашган ҳолда	Д) чап оёқ сал олдинроқда
7	“Ёғочлар устида сакраш”. Ушбу машқ сакраш қайси оёқ билан бошланади?	А) чап	Б) ўнг	*С) икки оёқ билан	Д) тўғри жавоб йўқ
8	Хатти-ҳаракат нима?	А) жисмоний машқлар	Б) берилган шарт- шароитда мантиқий ҳолат	С) мақсадга йўналтирилган жисмоний машқлар	*Д) мақсадга йўналтирилган берилган шарт- шароитдаги руҳий ва жисмоний жараён

9	“Тўхта” буйруғи қайси оёқда берилади ?	*А) чап	Б) ўнг	С) бундай буйруқ йўқ	Д) тўғри жавоб йўқ
10	Югуриб йиқилганда думалаш қандай бажарилади?	А) бош орқали думаланади	*Б) елка орқали думаланади	С) қўл орқали думаланади	Д) тизза орқали думаланади
11	Классик думалаш қандай бажарилади?	А) ўнг елка орқали	Б) чап елка орқали	*С) бош орқали	Д) қўл орқали
12	Ҳаракатда юришлар неча хил бўлади?	А) 5	Б) 4	С) 6	*Д) тўғри жавоб йўқ
13	Олдинга думалашда биринчи бажариладиган ҳаракат нима?	А) ўзига қулай бўлган оёқ икки кадам олдинга ташланади	Б) қўллар ерга қўйилади	*С) ўзига қулай бўлган оёқ бир кадам олдинга ташланади	Д) бош олдинга эгилади
14	Орқага думалашда биринчи бажариладиган ҳаракат нима?	А) ўзига қулай бўлган оёқ икки кадам орқага ташланади	Б) қўллар ерга қўйилади	*С) ўзига қулай бўлган оёқ бир кадам орқага ташланади	Д) ўтирилади
15	Тарихий салом неча санокда бажарилади?	*А) 8	Б) 7	С) 6	Д) 9
16	Тарихий саломни бажаришда дастлабки ҳолатда оёқлар қандай ҳолатда туради?	*А) жуфтлашган ҳолда	Б) оёқлар ораси очик ҳолда	С) ўнг оёқ олдинроқда	Д) чап оёқ олдинда
17	Сўз ва ҳаракат темпо-ретми қандай бўлади?	А) сўз тез, ҳаракат секин	Б) ҳаракат тез сўз секин	С) сўз ва ҳаракат бир хил темпо-ритмда	*Д) барча жавоблар тўғри
18	Шапалоқ қабул қилаётган актёрнинг қўли қандай туради?	А) тўғри	Б) қаттиқ	*С) ёйсимон	Д) тескари
19	Саҳнада мушт ураётган актёрнинг қайси	А) ўнг	*Б) чап	С) оёқлар бир чизикда бўлишим керак	Д) ўзига қулай оёқ

	оёғи олдинда бўлиши керак?				
20	Саҳнада мушт қабул қилаётган актёрнинг қайси оёғи олдинда бўлиши керак ?	*А) ўнг	Б) чап	С) оёқлар бир чизикда бўлишим керак	Д) ўзига қулай оёқ
21	Қоринга зарба қабул қилувчи актёрнинг оёқлари қандай ҳолатда туради?	А) жуфтлашган ҳолда	Б) оёқлар ораси очик ҳолда	С) ўнг оёқ олдинроқда	*Д) ҳар икки оёқ бир чизикда
22	Юзига зарба қабул қилувчи актёрнинг оёқлари қандай ҳолатда бўлиши керак?	А) жуфтлашган ҳолда	*Б) ўзига қулай бўлган оёқ олдинроқда	С) ўнг оёқ олдинроқда	Д) ҳар икки оёқ бир чизикда
23	Саҳнада муштлишганда қаерларга ҳақиқий тепиш мумкин?	А) хоҳлаган жойга	Б) фақат сонга	*С) сонга, елкага	Д) саҳнада ҳақиқий тепиб бўлмайди
24	Координация машқлари актёрга қандай ёрдам беради?	*А) мия фаолиятини фаоллаштиради	Б) мускулларни чиқаради	С) пластикани ривожлантиради	Д) йиқилиш техникасини ўзлаштиришда ёрдам беради
25	Саҳна ҳаракати фанида этикетлар нима?	*А) тарихий соломлашишлар, курулларни топширишлар	Б) патнослар	С) мускуллар	Д) мусиқа
26	Милтиқ машқини бажаришда дастлабки ҳолатда милтиқ қаерда туради?	А) ёнда	Б) ўнг қулда	С) ерда	*Д) чап елкада
27	Милтиқ машқини бажаришда дастлабки ҳолатда оёқлар қандай ҳолатда туради?	А) ўнг оёқ олдинда	Б) чап оёқ олдинда	С) хоҳлагандай	*Д) товонлар жуфтлашган ҳолда

28	Метро-ритм деганда нимани тушунасиз?	А) Ўтириб-туриш	Б) Қўлларни ишлатиш	С) Сакраш	*Д) Музикани эшитиб ҳаракат қилиш
29	Милтиқ машқи неча ҳисобга бажарилади ?	А) 5	Б) 10	*С) 6	Д) 8
30	Маданият бу?	А) хушмуомалалик;	Б) одоблилиқ;	*С) инсон қўли ва тафаккури орқали яратилган моддий ва маънавий бойлиқлар мажмуи;	Д) юксак ахлоқийлик;

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
“Саҳна ҳаракати” кафедраси
“Ритмика, пластика, пантомима” фани учун ишчи ўқув дастурига

ТАҚРИЗ

Актёрлик маҳоратининг пластик ва ритмик ҳаракат тана табиати саҳна санъатининг барча турлари учун асос ҳисобланади. Бошқа ҳаракат фанлари билан узвий боғлиқ бўлган “Ритмика, пластика, пантомима” фани методикаси талабаларнинг ҳаракат имкониятларини аниқлаш ва ривожлантиришга қаратилган.

Шунингдек, улар энг содда ҳаракатни, ҳам жисмоний топшириқни ҳам фаол ва иштиёқ билан бажаришга ўрганиши зарур. Адабий асардаги актёр ижоди, психологияси, бадиий асарнинг ғоявий эстетик тамойилини актёрлик воситалари ва усуллари билан очиқ бериш маҳоратига эга бўлиши шарт. Бадиий образлар мазмунини очиш ва уларни эстрадада гавдалантириш, бошқа ижрочилар ва асар иштирокчилари билан ишлаш, ижодий вазифаларни ҳал этишда уларнинг бирлигига эришиш, бадиий ижодда ижро санъати хусусияти, эстрада жанрида шакл ва услуб соҳасида замонавий ифодавий воситаларни билиши ва фойдалана олиши, овоз, пластика, ишора устида ишлаш, саҳна ҳаракати ва жанги ифодавий пластикаси, спектаклда образнинг композицион яхлитлигини таъминлашга эга бўлиши лозимлиги ушбу дастурда кўрсатилган.

Ўзбек театр санъати учун юқори малакали ва рақобат бардош, ҳам амалий ҳам назарий томондан кадрларни тайёрлаш актёрлик маҳоратининг катта қисмини ташкил этади.

Шунинг учун актёрларга алоҳида талаблар қўйилади. Ўзбек театр санъати ва жаҳон театр санъати тараққиёт босқичларини ўрганиш, пьеса ва ролнинг таҳлил услуби, спектаклда бадиий образ яратиш, актёрлик воситалари ҳамда актёрлик таълими тизимининг ажралмас бўғинидир. Шу сабабли ушбу фан асосий ихтисослик фан ҳисобланиб, Ўзбекистон санъатининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

**Тошкент давлат миллий рақс ва
хореография олий мактаби доценти**

Л. Т. Хасанова

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
“Саҳна ҳаракати” кафедраси
“Ритмика, пластика, пантомима” фани учун ишчи ўқув дастурига

ТАҚРИЗ

Ўзбек театр санъати учун юкори малакали ва рақобатбардош, ҳам назарий, ҳам амалий томондан етук малакали профессионал кадрларни тайёрлашда “Ритмика, пластика, пантомима” фани асосий ўрин тутди. Ўзбек ва жаҳон театр санъати тараққиёт босқичларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва амалиётда қўллаш билиш, образларнинг пластик ифодавийлигини таъминлаш орқали етук саҳна санъати усталари тайёрлаш фаннинг бош мақсади ҳисобланади. Шунингдек, “Ритмика, пластика, пантомима” ихтисослик фани ҳисобланиб, ўзбек театр ва кино санъатининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Рол ва образларнинг пластик ифодаси актёрлик маҳоратида характер яратишнинг энг муҳим омилидир. Образ ва ролларнинг пластик ечими, тана табиати, саҳна санъатининг барча турлари учун пойдевор ҳисобланади. Саҳнада ҳаракат қилишни ўргатувчи фанлар билан узвий алоқада бўлган “Ритмика, пластика, пантомима” фани талабаларнинг ҳаракат имкониятларини аниқлаш ва фаоллаштиришга қаратилган. Актёр тана эркинлигини таъминловчи фандан ҳисобланади. “Ритмика, пластика, пантомима” фани актёр учун касбий фанларни назарий бирлаштирадиган асосий, умумметодологик фан бўлиб мутахассислик бўйича ижод жараёни билан боғлиқ машғулларда ўргатилган кўникмаларни умумлаштиради. Актёрлик маҳоратида рол ва образларни пластик ифодаси, характер яратишнинг энг муҳим омилидир. Образ ва ролларнинг пластик ечими, тана табиати, саҳна санъатининг барча турлари учун умумий асос ҳисобланади. Саҳнада ҳаракат қилишни ўргатувчи фанлар билан узвий алоқада бўлган “Ритмика, пластика, пантомима” фани методикаси талабаларнинг ҳаракат имкониятларини аниқлаш ва ривожлантиришга қаратилган. Шу билан бирга актёрга зарур бўлган жисмоний ва руҳий ҳолатларини ривожлантиришда хизмат қилувчи: диққат, зийраклик, хозиржавоблик, майинлик, эпчиллик ва чаққонлик каби хусусиятларни ритмик ҳаракатларда мужассамлаштирган ҳолда олиб бораётган “жараённи” ҳис қила билишликни, “монументал” кўринишликни ривожлантиришни мақсад қилиб қўяди. Ушбу фан асосий ихтисослик фан ҳисобланиб, Ўзбекистон санъатининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади деб ҳисоблаймиз.

**Санъатшунослик фанлари доктори,
профессор**

Т. Баяндиев